

ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ, КИЧИК БИЗНЕС БОШАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДИР

Махмудова Дилбар Рахмоновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7298069>

Аннотация. Мақолада кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришида аввало, тадбиркорлик, бизнес, тадбиркор ва бизнесмен тушунчаларининг моҳияти ўрганилган бўлиб, унинг эмприк ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ривожланиш даражалари бўйича тадбиркорликнинг уч босқичли таснифи муаллиф томонидан шакллантирилган. Хориж ва маҳаллий олимларнинг илмий-назарий тадқиқотлари чуқур ўрганилган ҳолда, тадбиркор таваккалчилиги, ижтимоий тадбиркорлик тушунчаларига ҳам алоҳида таъриф келтирилган. Мақола ўзида тадбиркорлик ва бизнеснинг умумий ривожланиш босқичини қамраб олган ҳолда, умумлашган илмий аҳамиятга эга таърифларни ишлаб чиқиш орқали кичик бизнеснинг ривожланишини таъминланишини кўзда тутди.

Калит сўзлар: кичик бизнес, бошқарув, тадбиркорлик, бизнес, тадбиркор, бизнесмен, тадбиркор таваккалчилиги, юқори инновацион тадбиркорлик, ананавий тадбиркорлик, агрессив тадбиркорлик, ижтимоий тадбиркорлик, интрапренерлик, стартап, рақамли иқтисодиёт.

ПОНИМАНИЕ СУЩНОСТИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И БИЗНЕСА – ОСНОВА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УПРАВЛЕНИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА

Аннотация. В статье исследована сущность понятий предпринимательство, бизнес, предприниматель и бизнесмен в совершенствовании управления малым бизнесом, а также проанализированы этапы его эмпирического развития. Также автором сформирована трехуровневая классификация предпринимательства по уровням развития. Глубоко изучены научно-теоретические исследования зарубежных и отечественных ученых и дано особое определение понятиям предпринимательский риск и социальное предпринимательство. Статья освещает общий этап развития предпринимательства и бизнеса и направлена на обеспечение развития малого бизнеса путем разработки обобщающих научных определений.

Ключевые слова: малый бизнес, управление, предпринимательство, бизнес, предприниматель, бизнесмен, предпринимательский риск, высокоинновационное предпринимательство, традиционное предпринимательство, агрессивное предпринимательство, социальное предпринимательство, интрапренерство, стартап, цифровая экономика.

UNDERSTANDING THE NATURE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE KEY TO IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT

Abstract. In the article, the essence of the concepts of entrepreneurship, business, entrepreneur and businessman was studied in the improvement of small business management, and the stages of its empirical development were analyzed. Also, a three-level classification of entrepreneurship by development levels was formed by the author. The concepts of entrepreneurial risk-taking and social entrepreneurship are given a special definition based on the deep study of the scientific and theoretical researches of foreign and local scientists. The

article envisages the development of small business by developing generalized scientific definitions covering the general development stage of entrepreneurship and business.

Keywords: *small business, management, entrepreneurship, business, entrepreneur, businessman, entrepreneurial risk, highly innovative entrepreneurship, traditional entrepreneurship, aggressive entrepreneurship, social entrepreneurship, intrapreneurship, startup, digital economy.*

КИРИШ

Иқтисодиётда рўй бераётган турли макроиқтисодий ўзгаришлар кўп жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Тадбиркорлик давлатнинг муҳим ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларини ҳал этиши унинг ҳозирги глобаллашув жараёнида нақадар муҳим соҳа эканлигидан далолат беради. Кичик бизнеснинг муҳим хусусияти шундаки, жамият тараққиётининг турли босқичида, ҳар қандай шароитда ҳам иқтисодий тушкунликда, кризис (инфляция) даврида, керакли инфротузилма бўлмаганда ҳам, кредитлар фоизи баланд бўлганда, хавф-хатар юқори ва келажаги номаълум бўлганда ҳам бунёд бўлаверади.

Давлат ривожидида асосий фактор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришишнинг асосий омили ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг Ўзбекистон ЯИМ даги улуши сезиларли даражада ошиб, 2019 йилда 56,5% ёки 119301 млрд.га ва банд бўлган аҳолининг эса 76,2 % ни яъни 10 313,4 минг кишини ташкил қилди. Бу кўрсаткич иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардан бўлган Японияда-55%, Германияда - 54%, АҚШ да – 52 %, Қозоғистонда – 25,6 %, Россияда –20 % ни ташкил этади. ЯИМ ҳажмини кўпайтириш тадбирларини аввало тадбиркорлар амалга оширади. Тадбиркор фаолиятисиз маҳаллий бюджет ҳам, ишчи ўринлари ҳам бўлмайди. Тарихда бўлмаган “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”нинг тадбири ҳам айнан тадбиркорларга боғлиқ.

Инсоният жамиятининг бутун ривожланиш тарихи қадимги даврлардан бошланиб, ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва хизмат кўрсатиш каби йўналишлар, бирламчи ҳаётий эҳтиёжларни қондириш билан чекланган. Кейинчалик онгли меҳнатнинг пайдо бўлиши ва инсон тафаккури тараққиёти билан, улар йўналишлардан, тармоқлар ва соҳаларга такомиллашиб, бу соҳаларни илмий асослаш орқали турли қарашлар юзага келган. Кичик бизнеснинг тарқққиёт босқичидаги аҳамияти, жумладан биз танлаган мавзудаги ва жаҳон олимлари илмий-назарий изланишлари, авваламбор, “тадбиркор”, “тадбиркорлик”, “бизнесмен” ва “бизнес” тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир. Ана шу тушунчаларнинг асл моҳиятини аниқламасдан туриб, унинг бошқарувини такомиллаштиришга эришиб бўлмайди. Мазкур мақола мавзуси асосида олиб борилган илмий-назарий изланишлар ва тадқиқотлар замирида айнан тадбиркор ва тадбиркорлик, бизнесмен ҳамда бизнес тушунчалари кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда дастлабки муҳим омиллардан бўлиб, уларга атрофлича тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Назарий изланишлар шуни кўрсатдики, тадбиркорлик моҳияти бир неча асрлардан бери кўплаб хориж ва маҳаллий олимларимиз томонидан илмий жиҳатдан ўрганилган.

Хориж олимларидан, А.Смит, М.Вебер, Ж. Шумпетер, Л.Ф.Мизес, Ф.Хайек, П.Ф. Друкер, И.Кирцнер, А.В.Бусигин, А.И.Агеев, М.Г.Лапуст, С.Шимиллов, Б.А.Лешенко, П.А.Гурьянов, А.А.Дынкин, Я.С.Ядгаров, А.В.Кирилловларни киритиш мумкин. Мамлакатимиз олимларидан эса С.С. Ғуломов, Б.А. Абдукаримов, Ф.Б.Абдукаримов, Ғ.М. Қосимов, Т. Дўстжанов, С.Салаев, Н.Х.Жумаев, М.М. Мухаммедов, М.Қ. Пардаев, У.П. Умурзаков ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий адабиётларда тадбиркорлик нима ва ким тадбиркор эканлигини аниқлаш бўйича кўплаб олимлар назарий қарашларини келтирган бўлсалар-да, аммо ҳозирга қадар ягона мукамал таъриф белгиланмаган ва ҳалигача бу мавзу долзарблигига қолмоқда. Америкалик олим П. Друкер бу ҳақда - “Ж.Б. Сей ушбу атамани муомалага киритган дастлабки кунларидан бери кўп йиллар ўтди ва биз ҳали ҳам “тадбиркор” ва “тадбиркорлик” -таърифлари ҳақида бош қотиришни давом эттирмаймиз” деб таъкидлаб ўтган.

Тадбиркорлик атамасини XVII асрда француз иқтисодчиси Ричард Кантлон (1680-1734) томонидан киритилиб, унинг асосий ютуғи шундаки, бу тушунчани биринчилардан бўлиб илмий асослади ва куйидаги фикрларини келтирди. – “Тадбиркор аввало воситачидир, у ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида бозорнинг бўғинидир. Француз иқтисодчиси Франсуа Куенсай (1694-1774) эса биринчилардан бўлиб тадбиркорлик нафақат воситачи, балки бизнес эгаси ҳам бўлиши мумкинлигини айтиб ўтди. Шу ёндашувдан сўнг тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўртасида фарқларнишларни аниқлаш олимлар эътибор марказида бўлди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Дастлаб, биринчи маротаба XVIII асрда бизнесмен сўзи Англия иқтисодиётида пайдо бўлиб, у “мулк эгаси” маъносини билдирган. Бу хусусида замонавий иқтисодиёт назариясини фан сифатида шакллантирган асосчилардан бири шотландиялик иқтисодчи Адам Смит (1723-1790) тадбиркорлик назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб, “тадбиркор-бу ўзининг тижорат ғоясини амалга ошириш ва натижада тадбиркорлик даромадини олишни мақсад қилган, таваккал қилишга тайёр бўлган капитал эгаси” яъни мулк эгаси сифатида таърифлаган. Яна бир француз иқтисодчиси Жан Батист Сей (1767-1832) тадбиркорлик ҳодисасинини чуқур таҳлил қилган ҳолда, олим асосий эътиборини капитал даромад ва тадбиркорлик даромадига қаратди. Ж.Б. Сей томонидан келтирилган тадбиркорлик даромадида - “унинг саноат қобилияти, истеъдоди, фаолияти, тартиб ва етакчилик руҳи учун мукофот” ни ифодалаган.

Бу таърифдан шуни аниқладикки, ушбу тадқиқодчи учун саноат тадбиркори тадбиркорликда бирламчи ўринни эгаллайди. Лекин А. Смит ва бошқа бир қатор олимлар учун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик биринчи ўринда бўлган. Бу албатта бутун дунёда иқтисодиётнинг ривожланиш революцияси босқичи билан боғлиқ бўлиб, дастлабки босқич – қўл меҳнати, ерлардан фойдаланиш билан боғлиқ аграр иқтисодиётдир. Юқорида келтирилган олимлар айнан иқтисодиётнинг шу босқичида бўлганлиги сабабли, бу тушунчага реал ҳолат нуқтаи назаридан ёндашишган. Иккинчи босқич XVIII асрда вужудга келиб – саноат (машинасозлик меҳнати) ривожланиш даврини бошлаган ва Ж.Сей қарашлари айнан шу босқичга йўналтирилган. Кейинчалик иқтисодиёт ривожланишининг бошқа босқичлари такомиллашуви билан тадбиркорлик

атамасига чет эл ва маҳаллий олимлар янда кенгроқ, шаклланган таърифлар келтирганлар. Бу хусусида мақола давомида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Немис жамиятшуноси М.Вебер(1864-1920) -“тадбиркорлик- бу даромад олишга қаратилган иқтисодий ҳаракатлар, аммо ҳар қандай ҳаракатлар эмас, балки фақат капитални ҳисоблашга йўналтирилган ҳаракатдир” деб таъкидлаб ўтса, австриялик ва америкалик иқтисодчи Жозеф Шумпетер (1883-1950) эса ўзининг асарида – “тадбиркор керакли маблағга эришиш учун пулни тежамайди, ишлаб чиқаришни бошлашдан олдин у маълум бир фойдани сақлаб қўймайди ва тадбиркор бутун жамиятга тегишли бўлган даромадларни ўз ичига олади” деб ижтимоий-иқтисодий ҳаётда тадбиркорлик фаолиятининг не чоғлик муҳим эканлигини исботлади. Шумпетер бошқа олимлардан фарқли равишда –“тадбиркор янги комбинацияларни амалга ошириш имкониятларидан фойдаланиб, фақат инновация ва энергия ғояси билан “қуролланган” бўлиши керак” деб тадбиркорлик функцияларини аниқ комбинацияларга бўлиб, бир неча ҳолатларини кўрсатган:

- **Янгисини яратиш**, яъни ҳали истеъмолчиларга номаълум бўлган у ёки бу товарнинг янги сифатини яратиш;
- **Янгисини киритиш**, яъни саноатнинг ушбу соҳаси ҳали деярли номаълум бўлиб, ишлаб чиқариш усули тегишли маҳсулотни тижорат мақсадларида фойдаланишнинг янги усулидан иборат бўлиши мумкин;
- **Янги савдо бозорини ўзлаштириш**, яъни бу бозор илгари мавжуд бўлганлигидан қатъий назар, мамлакатда ушбу соҳа ҳали намойиш этилмаган бозор;
- **Хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотнинг янги манбасини олиш**. Бу манбанинг илгари мавжуд бўлганлигидан ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар;
- Тегишли қайта ташкил этишни амалга ошириш, масалан, монопол мавқеини таъминлаш, ёки бошқа корхонанинг монопол ҳолатига путур етказиш.

Ушбу келтирилган комбинациялар негизида авваламбор, инновацион фаолият саноат билан боғлиқлиги аниқланиб, тадбиркорлик фаолиятининг муҳим инновацион хусусиятлари кетма-кетлиги асосида очиб берилган. Шумпетер тадбиркорликнинг янги йўналишини киритиши, ҳозирги инновацион тадбиркорлик атамасининг шаклланишида ҳам муҳим омиллардан эканлигини англаш қийин эмас.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг босқичларида тадбиркорлик тушунчасини шакллантирган олимлар (1.1.-жадвалга қаралсин) илмий тадқиқотлари сабаб, ҳозирги вақтда тадбиркорлик ривожланишнинг тўртинчи босқичида.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий босқичлари

Босқич	Иқтисодиёт ривожланиш босқичлари турлари	Иқтисодий ривожланиш жараёнлари кетма-кетликда	Ўша даврдаги олимлар
I Милодий XV-XVII асрлар	Жаҳон капиталистик бозорнинг пайдо бўлиши:	буюк географик кашфиётлар колониялар пайдо бўлиши нарх инқилоби ишлаб чиқариш даври	Ричард Кантлон(1680-1734) Франсуа Куенсай(1694-1774)
II XVIII- XIX асрлар	Жаҳон капиталистик бозорининг шаклланиши, жаҳон меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши ва ривожланиши:	саноат инқилоби буржуа инқилоби ишлаб чиқаришдан завод тизимига ўтиш	Адам Смит (1723-1790) Жан Батист Сай(1767-1832)

<p>III XIX - XX асрнинг биринчи ярми</p>	<p>Дунё иқтисодиёти ва шу асосда глобал меҳнат тақсимоти тизимини шакллантириш:</p>	<p>электр инқилоби ички ёниш двигателлари дунёнинг иқтисодий бўлиниши, монополь капитализмга ўтиш</p>	<p>М. Вебер (1864-1920) Л. Мизес (1881-1973) Ж. Шумпетер (1883-1950)</p>
<p>IV XX асрнинг 50- йиллари- дан бошлаб, ҳозирги кунгача</p>	<p>Глобал меҳнат тақсимоти тизимининг ишлаши, барча мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш:</p>	<p>илмий технологик инқилоб интеграция жараёни</p>	<p>Ф. Хайек (1899-1992) П. Друкер (1909-2005) А.В. Бусыгин (1907-1985) Израил Кирцнер (1930)</p>

XX-асрнинг нуфузли бошқарув назарийчиларидан бири, америкалик олим Питер Друкер (1909-2005), Шумпетернинг ёндашувини такомиллаштириб, тадбиркорликни ўзига хос фаолият сифатида кўриб чиқди ва унинг мазмуни турли соҳалардаги инновациялар, шу жумладан менежмент билан боғлиқлигини бизнес бошқаруви масалаларига бағишланган китобида келтирган. А.В. Бусыгин (1907-1985) эса товарларни ишлаб чиқариш ва бозорга сотиш, тадбиркорлик фойдасини олишга йўналтирилган мавжуд иқтисодий алоқалар тизимига инновацион ёндашишга асосланган ишбилармонлик фаолиятининг бир шакли деб тадбиркорликда ишбилармонлик тушунчасини киритган.

Юқорида келтирилган таърифларни умумий таҳлил қилиш жараёнида тадбиркорликни илмий англашнинг **“биринчи тўлқини”**да Р.Кантилон, Ф.Куенсай, А. Смит, Ж.Б. Сай тадбиркорликни таваккалчилик хусусияти билан боғлашса, **“иккинчи тўлқин”** Ж. Шумпетернинг тадбиркорликни инновацион фаолият сифатида ажратиб кўрсатиши билан бошланиб, олим тадбиркорликни иқтисодий ўсишнинг табиий омили сифатида “Ижтимоий-иқтисодий тараққиётда доимо марказий ролни ўйнайдиган шахс” деб тарифлайди. **“Учинчи тўлқин”** нео-австрия мактабининг намоёндалари Людвиг фон Мизес, Фридрих фон Хайек ва Израэл Кирцнер томонидан уларнинг асарларидаги қарашлари орқали амалга оширилди. Мизес менежер ва тадбиркорлик муносабатларини аниқроқ ўрганиб, ушбу икки жиҳатни битта жараёнга бирлаштирди ва айнан тадбиркор раҳбар сифатида ҳаракат қилишини аниқлаб, ғоя унга тегишли менежер эса унга издош бўлиб, фақат ғояни ўзида мужассам этади. Гарчи маълум қобилиятларга эга менежер тадбиркорлик функцияларини бажаришга қодир бўлсада. **“Учинчи тўлқин”**нинг асосий ғояси - тадбиркорнинг муҳим шахсий фазилатлари, яъни иқтисодий ва ижтимоий вазиятнинг ўзгаришида тўғри йўл топа билиш қобилияти, бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда мустақиллик, бошқарув қобилиятларининг тўла намоён бўлиши каби сифатларига қаратилган. Л.Мизес ва Ф.Хайкнинг ғояларини АҚШлик иқтисодчи И.Кирцнер ривожлантирди ва унинг асарида **“Тадбиркор бозорни мувозанатга келтирувчи куч”** сифатида талқин этилди. Кирцнер билан Шумпетернинг қарашларидаги асосий фарқ шундаки, Кирцнер учун тадбиркорлик **“янги маҳсулотларни ёки янги ишлаб чиқариш усулларини жорий этиш эмас, балки янги маҳсулотнинг истеъмолчилар учун қўйилмаган қийматга эга бўлганлигини кўриш қобилиятидир”**.

“Тўртинчи тўлқин” эса тадбиркорлик ривожланишининг ҳозирги босқичи бўлиб, интеллектуал капитал ва молиявий капиталнинг бирлашуви ва буни фанда “интрапренерлик” дейилади. Интрапренерлик – бу ўзининг ёки қарз маблағлари ҳисобига ўз таваккалчилиги ва жавобгарлиги асосида амалга ошириладиган иқтисодий фаолият. Асосий мақсад фойда олиш ва бизнесни ривожлантириш бўлиб, бу атама америкалик олим Г. Пиншо томонидан киритилган. Кейинчалик, тадбиркорлик амалиётида “startup” тушунчаси пайдо бўлиб, дастлаб инглиз мамлакатларида, сўнг XX асрнинг 90-йилларида рус мамлакатларида ушбу атама инновацион лойиҳалар билан боғлиқ бўлиб, янги бизнеснинг шаклланишини англатган. Шу ўринда, тадбиркорликнинг инновацион хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишда хусусан, россиялик изланувчилардан А.И. Агеев, А.В. Кирилловларнинг ишларини келтиришимиз мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган олимлар тадбиркор таваккалчилигига фаолият нуқтаи назаридан ёндашиб, умумий кенг маънода таърифлашган. Бу ўз навбатида тадбиркор ва тадбиркорлик тушунчаларининг моҳиятини англашда чалкашликларга сабаб бўлмоқда. Маҳаллий олимларимиз ҳам илмий-назарий тадқиқотлари асосида тадбиркор ва тадбиркорлик категориясига қуйидагича таърифлар беришган (1.2-жадвалга қаралсин).

1.2-жадвал

Тадбиркор ва тадбиркорлик категориясига таърифлар

Муаллифлар	Таърифи	Манбаси
Ғ.М Қосимов	Тадбиркорлик пул топишнинг, бойлик тўплашнинг яратувчанлик, бойликни кўпайтиришлик фаолиятидир, яъни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ижодкорлик фаолиятидир.	Қосимов Ғ.М Менсжмент: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т.: Ўзбекистон, 2002. — 312 бет.-11 б
Т.Дўстжанов С.Салаев	Тадбиркорлик фақат иқтисодий соҳанинг турли туман даражаларидаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни, яъни соҳибкорлик.	Т.Дўстжанов ва С.Салаев Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2006 й.
Б.А.Абдукаримов, Ф.Б. Абдукаримов	“Тадбиркор” ва “Ишбилармон” атамалари бир-бирига яқин тушунчалар бўлиб, улар ташаббускор, эпчил, удабурун, серҳаракат инсонларни номлайдиган терминлардир.	Б.А.Абдукаримов, Ф.Б. Абдукаримов.Савдо иқтисодиёти. Ўқув қўлланма.-Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси”ДИН, 2013.-31 б.
У.П.Умурзаков, А.Ж. Тошбоев	Тадбиркорлик – ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш бўйича мулкдорларнинг ёки уларнинг вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятидир.	У.П. Умурзаков, А.Ж. Тошбоев Кичик бизнес ва тадбиркорлик Ўқув қўлланма. Тошкент: “Сано - стандарт”, 2014 й. 480 б. – 11 б.
М.М. Мухаммедов	Тадбиркорлик фаолияти - бу фойда олишга қаратилган янгилик,	М.М.Мухаммедов, Н.А. Ками-лова Экономическая

	таваккалчилик ва ихтиролардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.	теория – Учебное пособие. - "TURON NASHR" Самарканд 2020 й. 476 180 - 181 б.
М,Қ.Пардаев, Т.Х.Мамасоатов, А.А.Муродқобилов	Тадбиркор дейилганда, юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмасдан қонуний асосда жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс тушунилади.	М,Қ. Пардаев, Т.Х. Мамасоатов, А.А.Муродқобилов Кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик: ривожланиш муаммолари ва ечимлари.Монография. Тошкент – 2013 й. 23 б.

Ривожланиш даражалари бўйича тадбиркорликни уч босқичли таснифи П.А. Гурьянов томонидан таклиф этилиб, булар куйидагилардан иборат:

- **классик тадбиркорлик**, яъни тадбиркорликнинг юқори (элита) қатлами ҳисобланиб, таваккалчилик билан боғлиқ бўлган инновацион ишлаб чиқариш фаолиятининг махсус тури.

- **иқтисодий тадбиркорлик** – бу тадбиркорликнинг кенг тарқалган тури бўлиб, классик тадбиркорликдан асосий фарқи шундаки, у инновацион ишлаб чиқариш ва янги комбинацион омилларни яратишга хос эмас.

- **спекулятив тадбиркорлик** эса бу тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг паст босқичи саналиб, кўпинча кўча тадбиркорлари ёки ноқонуний фаолият олиб бораётган тадбиркорлардир. Ушбу турдаги тадбиркорлик кам ҳолларда учрайди, у ниманидир ишлаб чиқаради ва асосан қайта сотиш билан, ёки оддий чайқовчилик билан шуғулланиб, кўпинча харидорларни йўлдан оздириш ёки сифатсиз хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ.

МУНОКАМА

Бу таснифлаш тадбиркорлик моҳиятини тўғри баҳолашда муҳим аҳамиятли бўлиб, бизнингча, тадбиркорлик хусусиятларини тўлиқ очиб беришда уларнинг турлари куйидагича: **юқори инновацион тадбиркорлик, ананавий тадбиркорлик, агрессив тадбиркорлик** деб номланишини ўринли деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтирилган таърифлар иқтисодиётнинг ривожланиш босқичларида шаклланиб келишидан қатъий назар, ҳозирги кунгача тадбиркор ва тадбиркорликнинг ягона мукамал таърифи қабул қилинмаган. Эътиборли жиҳати, илмий изланишлар жараёнида шуни аниқладик-ки, кўплаб олимлар тадбиркор ва тадбиркорликни бир бутун тушунча сифатида таърифлаб, уни таваккалчилик билан изохлашди. Аммо биз шу хулосага келдикки, таваккалчилик фаолиятга эмас, аксинча шахсга нисбатан ишлатилиши лозим. Яъни таваккалчилик тадбиркор томонидан амалга оширилади ва бу айниқса юқори инновацион тадбиркорликка хосдир. Таваккалчилик асосида инновацион технологияларга асосланган ўзининг кичик бизнесини бошлаб, бутун дунёга машҳур бўлган бундай шахслар: Г.Форд, Б. Гейтс, С. Жобс, И. Маск ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.

Ананавий тадбиркорликда таваккал қилишга мойиллигик эҳтимоли бўлса-да, тадбиркорлар таваккал қилиб янги технологияларни жорий қилишдан қочишади, бу

уларда инқилобий фикрлаш доирасининг пастлигини англашиб, улар ривожланиш босқичи (рақамли иқтисодиёт)дан четда қолиб кетишади.

Агрессив тадбиркорликда эса тадбиркорлар таваккалчиликдан умуман йироқ ҳолда, улар интеллектуал (моддий ва маънавий) қолақ ёки молиявий жиҳатдан маълум рерурсларга эга бўлмайдилар.

Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, **тадбиркор таваккалчилиги** – бу тадбиркорлик фаолияти санъатининг қирраларини билувчи тадбиркорнинг прогноз (олдиндан кўра билиш) қилиш қобилятидир. Демак, тадбиркорлик салоҳиятига эга бўлмаган дуч келган киши ёки соҳа вакили тадбиркор таваккалчилигини амалга оширолмайдди. Бу фикримизнинг тасдиғи сифатида шу соҳада изланиш олиб борган олимлар тадбиркорнинг қуйидагиларга эга бўлиши лозимлиги яъни, -“фаолият соҳасини профессионал билиш, маълум миқдорда маркетинг фаолияти, бошқарув билимлари, ишлаб чиқариш тажрибаси, жалб қилинадиган ресурс ва пул маблағлари, бозордаги ўрни ва ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиш, иқтисодий фикрлаш, ишлаш маданияти, амалий тажриба, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, мақсадга эришиш ва фойда олиш учун ўз таваккалчилигига ишониб ҳаракат қилиш, бозор имкониятларини таҳлил қилиш ва фойдаланиш” қабиларга эга бўлиш кераклигини айтишган.

Маҳаллий олимларимизнинг ҳам илмий қарашларини ўрганиш, уларга назарий ёндашиш жиҳатидан ва берилган таърифларнинг кўпайиб кетганлигини инобатга олган ҳолда, тадбиркор ва тадбиркорлик таърифи мазмунини янада бойитиш мақсадида, уларни бир бутун тушунча эмас, балки алоҳида категория сифатида қуйидагича таъриф беришни лозим деб топдик:

Тадбиркор – бу юридик ёки жисмоний шахсининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятида нау-хао асосида капитал ва ресурслардан оптимал фойдаланиб, юқори даромадни кўзлаган ишбилармон киши ҳисобланади.

Тадбиркорлик – бу ижтимоий эҳтиёжларга зид бўлмаган ҳолда, тадбиркорнинг нафақат ўз манфаати балки, жамият ва давлат равнақи йўлида, истеъмолчи эҳтиёжини қондириш орқали фойда олишга қаратилган ҳаракат яъни иқтисодий жараён тушунилади.

Аниқ ва оддий ифода этилган бу таърифимизнинг бошқа таърифлардан фарқли жиҳати шундаки, унда тадбиркор тадбиркорлик фаолиятида нафақат биринчи ўринда ўз таваккалчилиги асосида фойдани кўзлаши, балки шу фаолияти жамият ва давлатнинг манфаатига путур етказмаслигини инобатга олиши лозим. Ижтимоий эҳтиёжларга зид бўлмаган фаолият билан шуғулланиши керак.

Ижтимоий эҳтиёжларга зид бўлган фаолиятга: турли экстремистик ҳаракатлар, нарқобизнес, коррупцион ҳаракатлар ва бошқаларни мисол қилишимиз мумкин. Юқорида қиритган агрессив тадбиркорлик бунинг яққол мисолидир.

Айрим тадқиқотчилар тадбиркорликни - бизнес ва тадбиркорни-бизнесмен деб, бу тушунчани фақат таржима сифатида баҳолашса, айрим олимлар эса “Бизнес” тушунчаси “Тадбиркордан” анча кам маънога эга деб асослашади. Бу тушунчаларнинг ҳам ҳозирги кунгача ягона мукамал таърифи қабул қилинмаган бўлиб, уларнинг моҳиятини аниқлаш турли тушунмовчиликларга олиб келмоқда. Биз эса, аксинча бизнес тушунчаси тадбиркорликдан анча кенг маънода эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу борада М.Мухаммедовнинг қарашларини келтириш ўринли –“ Бизнес – бу тадбиркорликдан анча

кенгроқ бўлиб, нафақат тадбиркорликни, балки фойда олишга қаратилган ҳар қандай фаолият” назарда тутилган.

Бу борада яна бир қатор ғарб олимлари ўзларининг қарашларини келтирганлар. Жумладан, профессор Оуен -“Бизнес – бу бозорда сотиладиган товарларни ишлаб чиқарадиган ва тарқатадиган ёки хизматларни маълум нархларда тақдим этадиган ҳар қандай корхона” деб таърифласа, Кит Давис эса, - “Бизнес – фойда олиш мақсадида инсонларнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондирадиган ҳар қандай тижорат фаолиятининг шакли сифатида” келтирган. Скиннер ва Леванцевичлар – “Бизнес – бу ўзаро манфаатлар ва фойда олиш учун, товар, хизмат ёки пулни алмаштириш” деб бу тушунчани тор маънода таърифлашган.

ХУЛОСА

Биз эса бу тушунчага таъриф беришдан олдин, аввало унинг моҳиятини аниқлашга урундик. Бизнес универсал сўз бўлиб, у бутун дунёга тарқалган ва майдони кенг тушунчадир. Ҳозирги замонавий даврда бизнеснинг тушунчалари, фаолияти ва турлари кўпайган. Бу албатта иқтисодиётнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда, бизнеснинг микёсини ҳам ўзгаришига сабаб бўлади. Ананавий таърифларга кўра, бизнес шунчаки одамлар хоҳлаган ёки керакли нарсалар билан алмашиш, савдо қилиш ва тижорат қилишни англатарди. Лекин, унинг тадбиркорликдан фарқини илмий жиҳатдан асослаш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан саналади. Бизнесингча, тадбиркорлик фаолияти бизнесдан фарқли равишда, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш кабилар билан чегараланган. Илмий изланишлар жараёнида бизнесмен ва бизнес тушунчаларига ягона мукамал таъриф келтирилмаганлигини инобатга олган ҳолда, уларни қуйидагича таърифладик.

Бизнесмен – бу мулкый жавобгарлик асосида юрик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган (якка тартибдаги тадбиркордан тортиб, халқаро корпорациягача) ҳолда, фойда олишни кўзлаган ишбилармон шахс.

Бизнес – бу инсонларнинг эҳтиёжлари, талабларини қондиришга қаратилган инсониятнинг барча фаолиятларини қамраб олган, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тарқатиш, сотиш ва тижорат қилиш бўлиб, фойда олишга қаратилган барча иқтисодий фаолиятнинг комбинациясидир.

Демак, бизнес тушунчаси, тадбиркорлик тушунчасидан анча кенг маънога эга эканлигини келтирган таърифимиз яққол исботлайди. Шундай қилиб, тадбиркорлик фаолияти бизнеснинг бир шакли сифатида намоён бўлиб, унинг турли йўналишларида амалга оширилади.

Тадбиркорликнинг бир нечта турлари бўлиб, мамлакат иқтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган, иқтисодиётимизда назарий ва амалий жиҳатдан нисбатан янги тушунча – ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида тўхталиб ўтишни жоиз билдик. Ижтимоий тадбиркорликнинг тадбиркорлик ва бизнесдан фарқли жиҳати, ўз манфаати йўлида фойда олишга қаратилмаган бўлиб, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган. Яъни ёшларни иш билан таъминлаш, атроф-муҳит ифлосланиши, таълим соҳасидаги муаммолар, ногиронларни ишга жойлаштириш, камбағаллик, уйсизлик, очликни бартараф этиш каби муайян ҳудуд, мамлакат ва жаҳон миқёсидаги муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ. Бу тушунча хориж (Европа Иттифоқи, Осиё, АҚШ, Россия,) мамлакатларида 1980-йилда шаклланиб, 2000-йилларда янада

ривожланган. Ўзбекистонда эса ижтимоий қўллаб-қувватлашни асосан давлат амалга оширади. Мамлакатда ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламига нафақат давлат, балки ижтимоий тадбиркорлар ҳам жалб қилинсагина инсонлар ҳаёт фаровонлиги янада мустаҳкамланади.

Ижтимоий тадбиркорлик замонавий жамиятга тадбиркорликнинг ижтимоий қатлам учун самара келтирувчи алтернатив фойдани таклиф этади (масалан: интернет тезлиги, ижтимоий платформалар яратиш). Бу соҳа ўзини ўзи молиявий жиҳатдан таъминлайди. Фаолиятдан тушган фойда қайтадан ушбу соҳага ёки бошқа бир ижтимоий бизнесни бошлаш учун инвестицияланади. Бу жараёнларнинг моҳиятини аниқроқ тушуниш учун ижтимоий тадбиркор ва ижтимоий тадбиркорлик тушунчаларини таърифлаб ўтсак.

Ижтимоий тадбиркор – бу муайян мулкка, соҳа йўналиши бўйича интеллектуал билим салоҳиятига эга бўлган, инновацион лойиҳалар асосида ижтимоий муаммоларга ечим топадиган ташаббускор шахс.

Ижтимоий тадбиркорлик – бу ижтимоий, маданий ва экологик муаммоларни бартараф қилишда қўнгилли ёки нодавлат ташкилотлар билан биргаликдаги ижодкорлик (мақсадни белгилаш ва муаммони ҳал қилиш) фаолияти.

Демак, ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий тадбиркор ва ижтимоий корхона (нотижорат ташкилот) асосида жамият фаровонлигини таъминлайди. Тадбиркорликнинг бу тури айрим жиҳатлари билан юқори инновацион тадбиркорликка хосдир.

Тадбиркорлик фаолиятининг дастлабки босқичи бўлган ва ижтимоий соҳанинг ривожига катта ҳисса қўшаётган иқтисодий тармоқлардан бири - кичик бизнес ҳисобланади. Ўзининг кичик бизнес деган номига қарамасдан, барча тараққий топган давлатлар иқтисодий қудрати бу фаолият турининг қанчалик ривожланганлиги билан баҳоланади. Ривожланган мамлакатларда 60-йиллар охири ва 70-йиллар боши кичик бизнеснинг гуллаган даврига тўғри келиб ва ҳозирга қадар ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб келмоқда. Кичик бизнес кўп давлатларда тадбиркорликнинг динамик қисми бўлиб, миллий иқтисоднинг ўсиши учун муҳим тармоқ сифатида шаклланди.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев Худудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида видеоселлектор йиғилишидаги маърузасидан. 08.04.2021 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” Тошкент – 2020 й. статистик тўплами маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.
3. Шумпетер Й. Теория экономического развития. Пер. с нем. М.: Изд-во Прогресс, 1982. 159 с.
4. Шумпетер Й. А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия / (предисл. В.С. Автономова; пер. с нем. В.С. Автономова, М.С. Любского, А.Ю. Чепуренко; пер. с англ. В.С. Автономова, Ю.В. Автономова, Л.А. Громовой, К.Б. Козловой, Е.И. Николаенко, И.М. Осадчей, И.С. Семеновко, Э.Г. Солаева). – М.: Эксмо, 2008.-864 с.
5. Макс Вебер. Хозяйство и общество: очерки понимающей социологии: в 4 т. (пер. с нем.); сост., общ. ред. и предисл. Л.Г. Ионина; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М. : Изд. дом Высшей школы экономики, 2016. 447 с.

6. Мизес Л. Человеческая деятельность: трактат по экономической теории /пер. с 3-го испр. англ. изд. А. В. Куряева. — Челябинск: Социум, 2005. - 878 с.
7. Фридрих Август Фон Хайек – Индивидуализм и экономический порядок (1948) Изложение доклада, которым открылась дискуссия по обозначенной в его заголовке теме на конференции в Мон-Пелерин, Швейцария, в апреле 1947 г. 85 с.
8. Хайек фон Ф.А. Познание, конкуренция и свобода. Пер. с англ. – СПб.: Пневма, 1999.
9. Друкер П.Ф. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы – М., 1992.
10. Друкер П.Ф. Практика менеджмента: Пер. с англ. М.: Вильяме, 2000. 206 с.
11. Кирцнер И. Конкуренция и предпринимательство. Пер. с англ. под ред. доктора экономических наук, профессора А.Н. Романова. ЮНИТИ Москва, 2001. 239 с.
12. Бусигин А. В. Предпринимательство. Основной курс. Ч. 1. М.: Фирма «Интерпракс», 1994. 73с.
13. Grebel T. Entrepreneurship: a new perspective – N.Y., Routledge, 2004.
14. Лапуст М.Г. Предпринимательство. 4-е изд., испр. И доп. – М.: ИНФРА-М, 2007.
15. Ядгаров Я.С. История экономических учений: Учебник. 4-е изд., перераб. и доп.–М.: ИНФРА-М, 2006.148с.
16. Лапуст М.Г. Предпринимательство. 4-е изд., испр. И доп. – М.: ИНФРА-М, 2007. 6 с. .
17. Дынкин А.А., Стерлин А.Р., Тулин И.В. и др. Предприниматель в конце XX века. –М.: Наука, 1992.
18. Шмилов С. Стратегия современного предпринимательства и социального развития корпораций / Под ред. М.Н. Кулапова – М.: издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2004.
19. Агеев А.И. Предпринимательство. 4-е издание, расширенное и дополненное. Москва Институт экономических стратегий РУБИН 2016. 38.
20. Кириллов А.В. Международный опыт развития малого и среднего инновационного предпринимательства и возможности его применения в российской экономике. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва-2015.
21. Гурьянов П.А. О предпринимательстве // Современные научные исследования и инновации. 2011. №3 электронный ресурс: URL: <https://web.snauka.ru/issues/2011/07/1453>
22. Лешенко Б.А., Матмуродов Ф.М., Бекбасова А.А. Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент-2004 й.104 б.
23. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – Т. 14. – С. 93-97.
24. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – Т. 5. – С. 22-26.
25. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60

26. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021
27. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT
28. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39
29. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
30. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.
31. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43
32. MD Rakhmonovna “The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy” American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
33. D.Махмудова “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022
34. D. Махмудова “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
35. С.С. Гуломов Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Ўқув қўлланма. “ШАРҚ” нашриёт матбаа. Тошкент 2002 й. 365 б.
36. У.П. Умурзаков, А.Ж. Тошбоев Кичик бизнес ва тадбиркорлик Ўқув қўлланма. Тошкент: “Сано - стандарт”, 2014 й. 480 б.
37. М.М.Мухаммедов, Н.А.Камилова Экономическая теория – Учебное пособие. - ”TURON NASHR” Самарканд 2020 й. 476.
38. Словари и энциклопедии на Академике academic.ru электронный ресурс: <https://dic.academic.pro/searchall.php?SWord=АНТРЕПРЕНЕРСТВО&stypе=0>
39. <https://bizcommunicationcoach.com/what-is-a-business-definition-of-business-scope/>
40. <https://vawilon.ru/statistika-biznesa/>